

Илҳом Насриев

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази бўлим бошлиғи,
юридик фанлар доктори

МАЪНАВИЙ ЗАРАР, УНИ ҚОПЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада маънавий зарар, уни қоплашнинг айрим муаммолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг кейинги босқичларда такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари очиб берилган.

Калит сўзлар: Маънавий зарар, маънавий зарарни қоплаш, жабрланувчи, шахсий номулкий ҳуқуқлар, оффшор ҳудудлар, юридик шахслар, корпоратив юридик шахслар, ноижорат корпоратив ташкилотлар, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш, хўжалик жамиятлари, ашёвий ҳуқуқлар, мулк ҳуқуқи, сервитутлар, эгалик қилиш

Аннотация. В данной статье раскрыты проблемы возмещения морального вреда, а также теоретические и практические вопросы совершенствования Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: моральный вред, возмещение морального вреда, потерпевший, личные неимущественные права, оффшорные зоны, юридические лица, корпоративные юридические лица, некоммерческие корпоративные организации, регистрация юридических лиц, хозяйственные общества, материальные права, право собственности, сервитуты, владение

Abstract This article deals with the problem of non-pecuniary damage, as well as theoretical and practical issues of improvement of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan.

Key words: pecuniary damage, non-pecuniary damage, the victim, moral rights offshore zones, entities, non-profit corporate bodies, registration of legal entities, business Entities, substantive rights, property rights, easements, ownership

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва бу билан боғлиқ жамиятнинг демократлашуви, ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш тизимининг такомиллаштирилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши кафолатланган. Мазкур конституциявий норманинг ўзи фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи нақадар долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради. Қолаверса, фуқароларнинг шахсий-номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий воситаси бўлган маънавий зарарни қоплаш институти ҳам фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқларини амалга оширишга хизмат қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланганлик тамойилига асосан (44-модда) мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларнинг босқичма-босқич олиб борилаётганлиги натижасида ҳуқуқи бузилган шахсларни суд орқали ҳимоя қилиш имкониятлари янада кенгаймоқда. Буни фуқаролик ишлари бўйича судларда маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ тақдим қилинаётган аризаларнинг кундан кунга кўпайиб бораётганлигидан ҳам кузатиш мумкин.

Маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари таҳлили ва суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатлар қонунчилигини чуқур ўрганган ҳолда бу борадаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини янада такомиллаштириш, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши долзарб вазифага айлангирмоқда.

Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларда фуқароларнинг низо юзасидан қайси судга мурожаат қилишлари лозимлигини аниқлаш, низонинг фуқаролик ёки иқтисодий судларга тааллуқлилигини белгилаш, маънавий зарарнинг миқдорини шунингдек, руҳий ва жисмоний оғриқлар даражасини белгилаш кабилар анча мураккаб ва мунозарали масала ҳисобланади. Айниқса, кейинги йилларда республикамизда амалга оширилаётган суд ҳуқуқ ислохотлари маънавий зарар институтидек кам ўрганилган ва тадқиқ этишга муҳтож бу масалала атрофида баҳс мунозара юритиш ва уни илмий бойитиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Дарҳақиқат, замонавий ҳуқуқшунослик фанида маънавий зарарни ундиришга оид мавзу чуқур ва яхлит тарзда таҳлил қилиб ўрганилган тадқиқот ишлари жудаям камлиги мазкур масала ҳозирги кунда ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этиши, мавзуга оид масалаларни янада чуқурроқ тадқиқ этилишини заруратга айлантирмоқда.

Барчамизга маълумки, фуқаровий ҳуқуқий жавобгарликнинг янги тури сифатида маънавий зарарни қоплаш бўйича жавобгарлик мустақиллигимиз қўлга киритилганидан сўнггина қонун ҳужжатларимиздан жой эгаллади. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида маънавий зарарни қоплаш мумкин эмаслигини совет фуқаросининг шахси “жуда юқори даражада” бўлганлиги, уни ҳеч қандай пул билан таққослаш ёки қоплаш мумкин эмаслиги билан асослашган. Шу сабабли ҳам узоқ вақт маънавий зарарни ундиришга доир ҳуқуқий нормалар фуқаролик қонунчилигида ўз аксини топмаган. Ўша даврдаги юридик адабиётларда ҳам ҳатто маънавий зарарни қоплаш масаласида салбий фикр-мулоҳазалар келинган.

Маънавий зарар билан боғлиқ нормаларнинг қонун ҳужжатларида ифодаланиши билан боғлиқ масаланинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 90-йилларда маънавий зарар билан боғлиқ айрим атамалар у ёки бу кўринишда собиқ иттифоқ қонун ҳужжатларида секин осталик билан намоён бўла бошлаганлигини кузатиш мумкин.. Хусусан, дастлаб Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар жинойт судлов ишларини юритиш Асосларининг 24-моддасида, жабрланувчи деб, жинойт натижасида маънавий, жисмоний ва мулкӣ зарар кўрган шахс ҳисобланиши таъкидланса-да, лекин жабрланувчига етказилган

маънавий зарар ва уни ундириш юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқий норма белгиланмаган¹. Фуқароларнинг маънавий зарарни ундиришга оид ҳуқуқи 1990 йил 12 июнда қабул қилинган “Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги собиқ иттифоқ қонунда биринчи мартаба ўз ифодасини топди. Мазкур қонунда оммавий ахборот воситалари орқали ҳақиқатга мос келмайдиган ва шахс қадр-қимматини таҳқирлайдиган маълумотларни тарқатиш оқибатида етказилган маънавий зарарни қоплаш назарда тутилди.

Фуқарога етказилган маънавий зарар (жисмоний ва руҳий азоблар) учун ундирувни моддий шаклда амалга ошириш билан боғлиқ умумҳуқуқий норма қонунчилик тизимига 1991 йил 31 майда собиқ иттифоқ ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги Асосларининг қабул қилиниши муносабати билан кириб келди. Унда биринчи марта маънавий зарар тушунчаси, шартлари ва ундириш усуллари белгилаб беришга уриниш бўлган. Унга кўра, маънавий зарар бу фуқарога етказилган жисмоний ёки руҳий азоблар эканлиги эътироф этилган. Маънавий зарарни ундириш шартлари сифатида зарар етказишга олиб келган ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракат ва зарар етказувчининг айби мавжуд бўлишлиги кўрсатилган. Шунингдек, маънавий зарар пул ёки бошқа моддий шаклларда, мулкӣ зарардан қатъий назар суд томонидан аниқланган миқдорда қопланиши, маънавий зарар нафақат фуқароларга, балки ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида юридик шахсларга ҳам ундириб берилиши мумкинлиги назарда тутилди.

Маънавий зарарни қоплашга оид миллий қонун ҳужжатларини яратилиши ва такомиллаштирилиши тўғрисида шуни айтиш керакки, уни шартли равишда бир неча босқичларга ажратиш мумкин. Биринчи босқич 1996-1999 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда маънавий зарарни қоплашга қаратилган миллий қонунчилик тўлиқ шаклланди, десак хато қилмаган бўламиз. Ўзбекистон қонунчилигида биринчи мартаба маънавий зарарни қоплашга доир ҳуқуқий норма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги 162-І-сонли

¹ Основы уголовного судопроизводства Союза ССР и союзных республик. –М.: Юр.лит., 1984. -39 с.

Қарорига мувофиқ 1996 йил 1-апрелдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўз ифодасини топди. Мазкур Кодекснинг 6-моддасига кўра, меҳнат соҳасида ўзини камситилган, деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга муурожаат қилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, ушбу кодекснинг 112-моддасига кўра, ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилиши, зарарни қоплаш маънавий зарар учун компенсация тўлашдан ҳам иборат эканлиги, маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланиши, лекин бу миқдор ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.² Меҳнат кодексига маънавий зарар учун тўлов ундириш тартиби ва миқдorigа оид бошқа қонун ҳужжатларига қараганда бирмунча мукамал ва илғор нормалар ўз аксини топди.

Маънавий зарарни учун тўлов ундириш масалаларига оид қоидалар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги 257-И-сонли Қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартидан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг “Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” номли 57-бобининг “Маънавий зарарни қоплаш” деб номланган 4-параграфига маънавий зарарни қоплашнинг умумий қоидаларига бағишланган 1021-модда ҳамда маънавий зарарни қоплаш усули ва миқдorigа бағишланган 1022-моддада мустаҳкамлаб қўйилди. Маънавий зарар жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азоблардан иборат эканлиги эътироф этилди (ФКнинг 1022-моддаси).³ Бунда илк бора маънавий зарарни қоплаш усули ва миқдorigа оид умумий қоидалар назарда тутилди. Унга кўра, маънавий зарар пул билан қопланиши, уни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган

² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 161-И-сонли Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 1-сон.

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат. 2015 йил.

жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланиши, зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилиқ талаблари эътиборга олинishi лозимлиги, жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланиши ҳамда маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъи назар қопланиши ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Маънавий зарарни қоплашга қаратилган миллий қонунчиликни шакл-лантиришнинг дастлабки босқичида, хатто Фуқаролик кодексида маънавий зарарни қоплашга қаратилган умумий қоидалар ҳали белгиланмасидан аввал, айрим тармоқ қонунчилигида маънавий зарар учун тўлов ундиришга оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш керак. Хусусан, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларидан бири сифатида маънавий зарар учун товон ундириш, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Табиий монополиялар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 17-моддасида табиий монополия субъектлари товарлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, табиий монополия субъектлари товарларининг истеъмолчилари ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулк учун хавфли камчиликлари бўлган товарлар, шунингдек табиий монополия субъектларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ ҳажмда тўланишини ва

маънавий зиён қопланишини талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган эди.

Маънавий зарар учун тўлов ундиришга қаратилган тармоқ қонунчи-лигининг ривожланиши Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунида ҳам маънавий зарар учун тўлов ундиришга қаратилган нормаларнинг мустақамланишида, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунида фойдаланувчилар телекоммуникация хизматлари кўрсатмаганлик ёки лозим даражада сифатли хизмат кўрсатмаганлик натижасида етказилган маънавий зиённи қоплатиш ҳуқуқларга эга эканликлар белгилаб қўйилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маънавий зарарни қоплашга қаратилган нормалар шаклланишининг биринчи босқичида ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг масъулиятини ошириш, давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига риоя қилишни таъминлаш назарда тутилган.

Миллий қонунчилигимизда маънавий зарарни қоплашга қаратилган нормалар ривожланишининг кейинги даври ўз ичига **2000-2014 йилларни** олади. Мазкур давр амалдаги қонун ҳужжатларига маънавий зарарни ундиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши билан характерлидир. Масалан, 1997 йилнинг 28 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” Қонунига 2000 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга кўра, давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлишлиги, шунингдек 2002 йилнинг 30 августида “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилиниб, унда ваколатли давлат органининг мансабдор шахслари тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилган тақдирда, реклама берувчига, реклама тайёрловчи ва тарқатувчига

етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан, маънавий зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши, 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонунда 1994 йил 6 майдаги эски таҳрирдан фарқли равишда янги таҳрирдаги Қонунда маънавий зарар учун тўлов ундириш мустаҳамлаб қўйилди.

Маънавий зарарни қоплашга қаратилган нормаларнинг ривожланиш даврида қабул қилинган яхлит қонунларда ҳам маънавий зарарни ундиришга оид нормалар мустаҳамлаб борилиши давом эттирилди. Чунончи 2000 йил 25 май куни қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ва 2000 йилнинг 25 майида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда ҳам маънавий зарар учун тўлов ундириш масалалар ўз ифодасини топди.

2006 йил 20 июлда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда, 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунда, 2009 йил 22 апрелдаги “Почта алоқаси тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунда, 2010 йил 22 декабрдаги “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда, 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларда маънавий зарар учун тўлов ундиришга оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси маънавий зарарни қоплаш муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлардан ташқари яна қуйидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳам маънавий зарарни қоплаш муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 56-моддасида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш натижасида жабрланувчи жавобгардан маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда ушбу

қонунда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, суд айбдордан фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплашни ундириб беришлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси «Маълумот олишнинг эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига асосан фуқаро томонидан қонунда тақиқланмаган маълумот сўралганда ва у тақдим этилмаганда, шунингдек унинг сўровига нотўғри маълумот берилиши натижасида етказилган моддий зарарни ёки маънавий зарарни қоплашни қонунчиликда белгиланган тартибда талаб қилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик субъектлари тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишида ноқонуний рўйхатга олмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ёки рўйхатга олиш учун тақдим этилган ариза белгиланган муддатда кўриб чиқилмаса, суд қарорни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарганидан кейин, фуқаро етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиши мумкинлиги белгиланган.

Бу босқичда бозор иқтисодиётини ривожлантиришга ғов бўладиган тўсиқларни бартараф этиш мақсадида мансабдор шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик ҳиссини ошириш, уларнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига етказилган зарар, шу жумладан маънавий зарар учун жавобгарлигини ошириш назарда тутилганлиги билан характерли ҳисобланади.

Хўш, маънавий зиён етказилганда у тўланадими ёки қопланадими?

Бу масалада турлича қарашлар мавжуд. Ушбу масала гарчи назарий аҳамият касб этадиганга ўхшаб кўринсада, аммо уни амалий жиҳатдан ҳам аҳамияти мавжуд. Дарҳақиқат, шахсий номулкий ҳуқуқларга ва номоддий неъматларга путур етказилганда уни тўлаш тўғрисида қандай сўз бориши мумкин. Масалан, тажовуз оқибатида яқин қариндошнинг вафоти натижасида кечилган руҳий азобни тўлаш мумкинми ёки туҳмат натижасида яқин инсонидан ажралганликни тўлов билан бартараф этиш мумкинми Албатта, йўқ. Бу ерда фақат

қоплаш тўғрисида сўз бориши мумкин, холос. Қоплаш натижасида ҳеч бўлмаганда бошдан кечирилган қийноқлар юмшатилишига эришиш мумкин бўлади. Шулардан келиб чиқиб, маънавий зарарни тиклаш имконияти мавжуд эмас, уни тўлаш йўли билан бартараф қилишнинг иложи ҳам йўқ. Уни фақат маълум маънода қоплаш мумкин, холос.

Фанда ва амалиётда ушбу терминларни аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Аммо қонун ҳужжатларида, юридик адабиётларда, ҳатто дарсликларда ҳам “тўлаш” ва “қоплаш” терминлари фарқланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11,99,100,163,1021,1022-моддалари фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг иккита мустақил усуллари, чунончи зарарни тўлаш ва маънавий зиённи қоплашни назарда тутди.. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида маънавий зарарни қоплаш тўғрисида сўз борса, кодекснинг 100-моддаси 8-банди матнига эътибор берадиган бўлсак, бунда “етказилган зарарлар ва маънавий зиённи ўрнини қоплаш” тўғрисида сўз боради, яъни “қоплаш” бир вақтнинг ўзида ҳам етказилган зарарга ва шу билан бирга маънавий зиёнга нисбатан ҳам қўлланилган. Фикримизча, бундай ёндашув қонун чиқарувчининг масалага аниқ ёндашувини билдирмайди, қолаверса, бу қонун матнини етарли таҳририй ишланмаганлигидан дарак беради. Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 100-моддаси 8-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинмоғи лозим: “Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарларни тўлаш ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир”.

Маънавий зарар тушунчасини қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилишига зарурат борми ?

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида маънавий зарар тушунчаси берилмаган. Таъкидлаш керакки, МДҲ давлатлари Фуқаролик Кодексларида маънавий зарарнинг тушунчаси тўғридан тўғри мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо Ўзбекистон Республикасида бу масала бошқачароқ ҳал

этилган. Маънавий зарар тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорида берилган бўлиб, унга мувофиқ, “маънавий зарар” деганда, - жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Назаримизда ушбу тушунча маънавий зарарни моҳиятини очмайди. Бу тушунчага кўра, унда “маънавий зарар”нинг иккита компоненти назарда тутилган бўлиб, унинг биринчиси, “маънавий”, иккинчиси “жисмоний” азоб эканлиги таъкидланган. Мантиқ нуқтаи назаридан ёндашилганда, таърифи ифодаланадиган “маънавий зарар” тушунчаси ўз ичига яна “маънавий зарарни” қамраб олмаслиги керак. Бизнинг фикримизча, ушбу сўзлар “руҳий зарар” деган сўзлар билан алмаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми гарчи азоб чекиш тушунчасига тўхталмаган бўлсада, аммо у маънавий зарарнинг бир тури ҳисобланган «руҳий» азоб чекиш моҳиятини очиб беришга эришган. Аммо мазкур тушунтиришдан “руҳий” азоб маънавий азобнинг бир тури эканлиги яққол кўринмайди.

Чет мамлакатлар тажрибаси, хусусан, МДҲ мамлакатлари, жумладан Россия Федерацияси, Қозоғистон, Белорусь Республикалари, қолаверса ғарб ва узоқ шарқ мамлакатлари қонунчилиги тажрибаси айнан маънавий зарарга уни жисмоний ва руҳий азоблардан иборат тарзда ёндашилишини тақазо қилади.

Маълумки, маънавий зарар етказилишида ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг объекти бўлиб фуқарога туғилган вақтидан буён қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари, (ҳаёти, соғлиги, шахснинг қадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сири), шахсий номулкий ҳуқуқлари (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номулкий ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини қонунларга кўра ҳуқуқий муҳофаза қилиш) ва мулкый ҳуқуқлари (уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқалар)

бўлиши мумкин.

Маънавий зарар айнан юқоридаги шахсий номулкий ҳуқуқларга дахл қилинганда қопланади. Маънавий зарар, чунончи яқин қариндошини йўқотиши сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, касб корини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларни вақтинча чеклаш ёки улардан махрум қилиш, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган азоблар натижасида бошидан ўтказилган турли касалликларда намоён бўлиши мумкин.

«Жисмоний азоб» ва «жисмоний зарар» ёки «соғлиққа етказилган зарар» тушунчалари ҳамма вақт ҳам бир хил маънони англатмаслиги боис қонун ҳужжатлари бу тушунчаларни бир-биридан фарқлаши лозим. Жисмоний азоб-бу маънавий зарарнинг бир тури сифатида намоён бўлса, жисмоний зарар - бу инсон организмида ташқи таъсир натижасида вужудга келадиган салбий ўзгаришлар бўлиб, бунинг натижасида шахснинг руҳий ва мулкӣ аҳволига путур етиши мумкин. Назаримизда, бундай кўриишдаги маънавий зарар жабрланувчининг салбий руҳий кечинмалари кўринишида намоён бўлганлиги сабабли, буни маънавий зарарни муҳим таркибий қисми сифатидаги руҳий зарар тарзида баҳолаш тўғри бўлади.

Маънавий зарар жабрланувчига руҳий ва жисмоний азоб етказилганлиги исботлангандагина қопланади. Жабрланувчи қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида маънавий зарар етказилганлигини, қандай руҳий ва жисмоний азобларни ўз бошидан ўтказганлигини исботлаши шарт.

Маънавий зарарни қоплаш учун асос бўладиган жисмоний азоб деганда-оғриқ, бўғилиш, нафас қайтиши, кўнгил айниши, бош айланиши, фуқаронинг ташқи кўринишида турли хил шишлар пайдо бўлиши ва бошқа касалликлар аломатларини мавжудлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Руҳий азобнинг турига эса-кўрқув, уялиш, қайғу, мусибат, безовталаниш, камситилиш ва бошқа туйғуларни киритиш мумкин. Агар юқорида санаб ўтилган изтироб турлари ўртасидаги миқдорий нисбатни белгилаш мумкин бўлганда, жисмоний

азоб ва руҳий изтиробларнинг хусусиятларини ана шу нуқтаи назардан ҳисобга олиш ва баҳолаш ҳам мумкин бўлар эди. Аммо, кўнгил айниши, нафас сиқиши, бадан қичиши, бош айланиши билан кўрқув ёки қайғу ўртасидаги нисбатни белгилаш на назарий жиҳатдан, ва на амалий жиҳатдан мумкин ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Фикримизча, жисмоний азобларнинг хусусияти эмас, балки зарар етказилган номоддий неъматларнинг хусусиятлари ва аҳамияти ҳисобга олиниши лозим, чунки айнан номоддий неъматларгина маънавий етказилиши ва у маълум қийматга эга бўлиши мумкин.

Маънавий зарар жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутган қонун кучга киргунга қадарли етказилган бўлса, қопланадими?

Ўзбекистон Республикаси Олий Судида юқорида номи таъкидланган қарорига мувофиқ, маънавий зарар жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутган қонун кучга киргунга қадарли етказилган бўлса, шунингдек, даъвогар бундай қонун кучга кирганидан кейин ҳам маънавий, жисмоний азоб ҳис қилаётган бўлса ҳам даъвогарнинг бу ҳақдаги талаби қаноатлантиришга тегишли эмас, чунки зарар етказилган вақтда жавобгарликнинг бу тури белгиланмаган бўлган ва умумий қоидага кўра содир қилинган вақтда амалда бўлган қонунда белгиланган хилоф ҳаракатга нисбатан жавобгарликни кучайтирадиган қонуннинг орқага қайтариш кучига эга бўлиши мумкин эмас.

Лекин даъвогар етказилаётган руҳий ва жисмоний азоблар учун жавобгарнинг қонунга хилоф (ҳаракатсизлиги) маънавий зарар етказилганлиги сабабли жавобгарликни назарда тутадиган қонун кучга киргунга қадар бошланган бўлса ва бу қонун амалга кирганидан кейин давом этаётган бўлса, бундай ҳолатда маънавий зарар қопланиши лозим бўлади.

Етказилган маънавий зарар ва жисмоний азоблар учун зарар ундириш қонун ҳужжатида тўғридан-тўғри кўрсатилмаганлиги ҳамма вақт ҳам жабрланувчининг маънавий зарар ундиришга ҳуқуқи йўқ, деган хулосани билдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 989-моддаси 1-қисмига мувофиқ, юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат,

лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди.

Қонунда кўрсатилган бу қоида маънавий зарар етказилган ҳолатларда ҳам тўла тадбиқ қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 112-моддасига биноан суд меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлик ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик оқибатида ходимга етказилган маънавий азобларни қоплаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин.

Иш берувчига бундай мажбурият интизомий жазо асосиз қўлланилганда, ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказиш рад қилинганда, ишдан четланилганда, меҳнат дафтарчаси, иш ҳақи, шунингдек бошқа тўловлар ўз вақтида бермаганликда ҳам юклатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят Процессуал кодексининг 302-моддасида реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилганлиги, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақланганлиги, ишда айбланувчи тариқасида жалб қилинганлиги туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилганлиги натижасида ўзига етказилган мулкӣ зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатларини бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган бўлса, 309-моддада реабилитация қилинган фуқарога етказилган маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш тартиби белгиланган. Бундай ҳолларда, фуқарога етказилган маънавий зарар умумий фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда қопланишлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган.

Жиноят туфайли маънавий зарар кўрган фуқаро, жиноят иш юритилиши жараёнида маънавий зарарни қоплаш ҳақида фуқаролик даъвосини қўзғата оладими?

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги қарорининг 9-бандида Жиноят процессуал кодексининг 57-моддасига мувофиқ жабланувчи, яъни жиноят туфайли маънавий зарар кўрган фуқаро, жиноят иш юритилиши жараёнида маънавий

зарарни қоплаш ҳақида фуқаролик даъвосини қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми бу йўл билан муаммони ечгани йўқ, балки аксинча. Фикримизни далили сифатида айтиш мумкинки, жабрланувчи томонидан маънавий зарарни қоплаш тўғрисида фуқаровий даъво аризаси киритиши учун қонун билан суд уни фуқаровий даъвогар сифатида тан олмоғи лозим бўлади, аммо Жиноят Процессуал кодексининг 277-моддаси бунга йўл қўймайди, чунки бу 277-модда фуқаровий даъвогар деб, мулкӣ зиён кўрган фуқарони тан олади. Шу боис, жиноят процессида маънавий зарарни қоплаш масаласини кун тартибига қўйишнинг иложи йўқ.

Ҳозирги кунда ўрганилган амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, Жиноят процессуал кодекси (57, 277, 290-моддалари)да жабрланувчига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш мақсадида фуқаровий даъвогар сифатида даъво қилиш имконияти берилганидек, маънавий азобланган шахсга ўзига етказилган жисмоний ва руҳий азоблар билан боғлиқ маънавий зарарларни ҳам қоплаш имкониятини назарда тутувчи норма билан тўлдириш мақсадида, унга тегишли ўзгартириш ва қўшимча киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда жиноят туфайли етказилган маънавий зарарни фуқаролик даъво қўзғатиш йўли билан қоплаш имконияти мавжуд бўлмайди.

Маънавий зарар ундириш билан боғлиқ ишларни судда кўриш амалиётида шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсига путур етказилганлик учун маънавий зиённи қоплаш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай тоифадаги ишларни кўришда ҳуқуқбузарликни характерини ва бу ҳуқуқий муносабатга маънавий зарарни қоплаш бўйича қонунни қўллашга йўл қўйилиши мумкинлиги, агар қонунда бундай жавобгарлик белгиланган бўлса, маънавий зарарни қоплаш тартиби ва шартларини назарда тутган қонуннинг қачон кучга кирганини, шунингдек маънавий зарарни келтириб чиқарган ҳаракатлар қачон содир бўлганлигини текшириш ва муҳокама қилиб баҳо берилиши лозим бўлади.

Шунингдек, суд жабрланувчига жисмоний ва маънавий азоблар етказилганлиги факти нима билан тасдиқланиши, зарар етказувчининг айбдорлик даражаси, жабрланувчи қандай маънавий ва жисмоний

азоблар тортгани, уни қоплашни қандай миқдорда баҳолаши ва низони ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаши зарурлигига судлар эътибори қаратилган бўлишига қарамасдан, баъзан судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларда ундирилиши лозим бўлган маънавий зарарнинг миқдори ҳамма вақт ҳам асослангилмайди. Шу билан бир қаторда етказилган жисмоний ва маънавий азоблар конкрет иш бўйича нималарда ифодаланиши баъзи ҳолларда кўрсатилмайди.

Умумий қоидага мувофиқ, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Фақат Фуқаролик кодекси 1021-моддасининг 2-қисмига биноан маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъий назар қопланиши асослари назарда тутилган.

Фуқаролик кодексининг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар белгиланган бўлиб, бу талаблардан бири шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар бўлиб ҳисобланади. Маънавий зарар фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий бойликлари бузилиши натижасида етказилади. Демак, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Маънавий зарар пул билан қопланадими?

Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 1022-моддаси маънавий зарарни пул билан қопланишини назарда тутаяди. Аммо маънавий зарарни бошқа усулларда қопланишини назарда тутувчи қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида маънавий зарарнинг қоплаш усули борасида Фуқаролик кодексига зид қоида қўлланилган. Меҳнат кодексининг 187-моддаси 2-қисмида маънавий зарар пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланишини кўзда тутаяди. Фикримизча қонун ҳужжатларини бирхиллаштирилишига эришилмоғи лозим.

Маънавий зарар миқдорини қандай аниқланади?

Маънавий зарар миқдорини аниқлаш муаммоси суд амалиётида доимий учраб турадиган мунозарали ҳолатлардан биридир.

Бизнинг фикримизча, бу муаммо жуда муҳим, лекин уни тартибга солиш эса жуда мураккаб бўлган масалалардан биридир. Маънавий зарар миқдорини белгилаш борасидаги суд амалиётини кўрадиган бўлсак, судлар томонидан даъвогарлар тақдим этаётган даъво аризасида маънавий зарарни қоплашни сўраган миқдордан жуда кам миқдорда қаноатлантирилганини кўришимиз мумкин. Бу эса даъво аризаси тақдим этаётган жабрланувчилар ва судьялар учун маънавий зарар миқдорини аниқлаш учун аниқ мезонларнинг йўқлигидан далолат беради.

. Судлар маънавий зарарни қоплаш масаласида баъзида қоплаш учун талаб қилинган миқдорга унчалик аҳамият бермасдан, ҳеч қандай асоссиз маънавий зарар миқдори камайтириш ҳоллари ҳам учраб туради.

Фуқаролик кодексининг 1022-моддаси судларга маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилашда амал қилиши керак бўлган мезонларни назарда тутаяди, чунончи:

- жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятлари;

- айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражаси.

Олий суд Пленуми Қарорининг 13-бандига биноан судлар маънавий зарар миқдорини аниқлашда қуйидагиларни эътиборга олишлари керак бўлади:

-жабрланувчига етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосига;

-даъвогарга етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларга;

-тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойнинг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар);

-ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибатига (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келадиган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ёки бошқалардан маҳрум қилиш);

-уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характерига ва

уларнинг қанчалик даражада тарқатилганлигига;

-жабрланувчининг яшаш шароити ва шахсий хусусиятларига (хизмат, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалари);

-зарар етказувчи ва жабрланувчининг айби даражаларига;

-зарар етказувчининг шахсий моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик бўлган ҳолатлар.

Маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашнинг кейинги мезони бу жабрланувчига етказилган жисмоний ва руҳий азобларнинг хусусияти ва даражасидир.

Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида кўрсатилган маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашдаги мезонлардан яна бири бу судлар зарар миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлик талабларини эътиборга олишидир. Агар бир томонлама қарайдиган бўлсак, қонун чиқарувчи органнинг фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида институти бўлган маънавий зарарни қоплаш институтига бу талабни қўллаши ғалати ва ҳатто қизиқ ҳолатдир. Чунки фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган бошқа муносабатларда судларга қарор қабул қилишда алоҳида талаблар мавжуд эмас, аммо таъкидлаш керакки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида назарда тутилган оқилоналик ва адолатлилик талабининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 5-моддасида ўрнатилган ҳуқуқнинг ўхшашлиги бўйича қўллаш қоидасининг мақсадига мувофиқ келади. Амалдаги тартибга мувофиқ, қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизи ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлигига) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади. Бу тушунча аниқ ишларни кўришда судларга катта имконият беради. Фикримизча, маънавий зарарни қоплашнинг муаммоларидан бири бўлган унинг миқдорини аниқлашда судларга алоҳида оқилоналик ва адолатлилик талабларига амал қилиши ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бунга асосий сабаб азобнинг даражасини аниқ ўлчашнинг имконияти йўқлигидир ҳамда уни пулда ўлчашнинг мураккаблигидадир. Шунинг учун қоплаш миқдорининг эквиваленти тўғрисида сўз юритиш мушкул.

Фикримизча, маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда асосий мезон бу жабрланувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олишдир. Ҳар бир фуқаронинг маънавий ва жисмоний азобга чидамлилиқ даражаси турли хилдир.

Қонун чиқарувчи орган маънавий зарарнинг қоплаш миқдорини аниқлашга фуқаронинг айнан қандай шахсий хусусиятлари таъсир қилишлигини аниқ кўрсатиб бермаган. Ҳозирги кунда жабрланувчига маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда унинг моддий ҳолатини ҳам эътиборга олиниши мумкинми ёки йўқлиги масаласи муаммоли бўлиб қолмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, маънавият, одоб-ахлоқ тушунчалари чуқур миллий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий ва амалий хусусиятларга эга эканлиги, бир халқ, бир миллат, бир жамият ва бир шахс учун мутлақо ёт бўлган ахлоқий мезонлар бошқа халқ, миллат ва шахс учун мутлақо ёт ёки зид бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаслик лозим бўлади.

Юридик шахсга маънавий зарар етказилиши мумкинми ёки мумкин эмасми?

Фуқаролик кодексининг 100-моддаси 9-бандида ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг 7- бандида «фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда тадбиқ этилади» деб белгилаб қўйилган. Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси 2-қисмида маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қуйидаги ҳолларда қопланади, агар...«зарар... ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса...». Худди шунингдек, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилиши натижасида унга раддия берилишини талаб қилиш билан бирга, тадбиркор уларни тарқатиш натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни қопланишини ҳам талаб қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

⁴ Сотимхон Ҳожи. Одбнома., -Тошкент.: 1992.-2-б..

Албатта ишчанлик обрӯсига барча жисмоний ва юридик (тижорат ва нотижорат ташкилотлари, хусусий корхона, муассаса ва ташкилотлар) шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар эга бўлишлари мумкин.

Юридик шахснинг ишчанлик обрӯсига путур у тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг оммавий ахборот воситалари орқали чоп этилиши, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш натижасида етказилиши мумкин. Масалан; юридик шахс ишлаб чиқарадиган маҳсулотни сифатсиз маҳсулот деб эълон қилиниши ёки юридик шахсни тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиниши натижасида ва ҳ.к.

Фуқаролик кодексининг 100-моддаси 8-қисмида белгиланган фуқаронинг ишчанлик обрӯсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилиши натижасида суд орқали ҳимояланиш усулларида юридик шахс ҳам фойдаланиши мумкин. Демак юридик шахснинг ишчанлик обрӯсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилиши натижасида етказилган моддий зарарни қоплашни талаб қилиш билан бир қаторда маънавий зарарни қоплашни ҳам талаб қилиши мумкин деган хулосага келинади. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси 2-қисми тўртинчи хатбошисида белгиланган норма умумий бўлиб, унда ишчанлик обрӯ-эътиборига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш туфайли маънавий зарар юридик ёки жисмоний шахсга етказилиши тўғрисида аниқ белгилаб қўйилмаган.

Пленум қарорида келтирилган маънавий зарар тушунчасидан англаш мумкинки юридик шахс ўз бошидан маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азобларни кечира олмайди. Шу сабабли фуқаронинг ишчанлик обрӯсига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш масаласи юридик шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Юқорида таъкидланганидек, суд маънавий зарарнинг миқдорини аниқлашда маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатни ва

жабрланувчининг шахсий хусусиятини эътиборга олмоғи лозим. Алқисса, Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида маънавий зарарнинг миқдорини аниқлаш учун белгиланган норма юридик шахсга нисбатан қўллашнинг имконияти йўқ.

Пленум қарорининг 13-бандида белгиланишича «фуқароларнинг маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ талаблари кўрилатганда ... маънавий зарарнинг миқдори даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний оғриқларнинг моҳияти ва миқдорига, ҳар бир алоҳида ҳолларда жавобгарнинг айби даражасига, шунингдек бошқа эътиборга олинмаган ҳолатларга боғлиқдир ...». Бундай ҳолатда Пленум қарорининг 7-банди билан 13-банди ўртасида номутаносиблик борга ўхшайди. Пленум қарорининг 7-банди фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш мумкинлиги кўрсатилган, худди шунингдек Пленум қарори юридик шахсга етказилган маънавий зарарни қоплашни ҳам назарда тутаяди, лекин Пленум қарорининг 13-банди фақат фуқарога етказилган маънавий зарар қопланиши мумкинлиги тўғрисида белгиланган. Бундан ташқари, юридик шахсга маънавий зарар етказилиши мумкин ва ўрнини қоплаш мумкин дейдиган бўлсак, унда Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига асосан маънавий зарарнинг қиймати суд томонидан аниқланаётганда зарар кўрган шахсга етказилган маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азобларнинг даражасидан келиб чиқиб белгиланиши керак бўлади. Маънавий, айниқса жисмоний азобларни фақат инсонгина бошидан кечира олади. Юридик шахсга ҳеч қачон маънавий ва жисмоний оғриқ етказилиши ва унга нисбатан маънавий зарар етказилиши мумкин эмас.

Қолаверса, юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳақоратловчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида ҳам унга маънавий зарар етказилиши мумкин эмас. Лекин юридик шахс ҳам жисмоний шахс сингари ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказилган маълумотларни, агар маълумотларни тарқатган шахс ушбу маълумотларни исбот қила олмаса ва ҳақиқатга тўғри келмаса маълумотни тарқатган оммавий ахборот воситаси орқали ёки суд орқали бундай маълумотларни рад этишни талаб қилиши мумкин. Юридик шахс қайта ташкил этилгандан (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш)

кейин унинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш манфаатдор шахсларнинг талабига кўра амалга оширилиши мумкин, масалан: юридик шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан, унинг илгариги мулкдори орқали амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс тугатилгандан кейин унинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилганда, тарқатилган маълумотлар ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат этиб бўлмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига асосан юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади деб белгилаб қўйилган. Агар юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига асосан у худди шу оммавий ахборот воситаси орқали раддия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Маънавий зарарни қоплаш муносабатлари шартномадан ташқари мажбурият (делект) бўлганлиги сабабли, ушбу масалага доир коллизион масалалар Фуқаролик кодексининг 71-боби 6-параграфининг 1194-моддаси билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексининг 1194-моддасига асосан, «Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар зарарни ундиришни талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади».

Буни маънавий зарарни қоплаш масаласига нисбатан тадбиқ этадиган бўлсак, маънавий зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар маънавий зарарни ундиришни талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатларнинг асосий коллизион мезони бўлиб, унда маънавий зарар етказилган жой қонуни тамойили амал қилади. Масалан, Туркия, Япония каби давлатларда ушбу тамойил амал қилади. Лекин, турли мамлакатларда ҳуқуқбузарлик содир этилган жой турлича тушунилади. Маънавий зарар ундирилишини

талаб қилишга асос бўлиб ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган жой ёки шу ҳаракат оқибати келиб чиққан жой ёки иккала ҳолатнинг бир бири билан узвий боғлиқлиги бўлиши мумкин.

Маънавий зарарни қоплаш масаласида, агар маънавий зарар етказган шахс ва маънавий зарар кўрган шахс бир давлатнинг фуқаролари бўладиган бўлса, шу давлатнинг қонуни қўлланади, яъни тарафлар қайси давлатнинг фуқароси бўлса ўша давлатнинг қонуни қўлланади. Бу коллизия қоида чет элда етказилган маънавий зарарни қоплаш масалаларини тартибга солишга қаратилган.

Маънавий зарарни қоплаш масаласида яна бир муҳим коллизия қоида бу маънавий зарарни қоплашни талаб қилишга асос бўлувчи ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жавобгарликни назарда тутилганлигидир. Агар давлатнинг ички қонунларида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ноқонуний деб белгиланмаган ва бунинг учун маънавий зарарни қоплаш назарда тутилган бўлмаса маънавий зарарни қоплашни талаб қилишнинг имконияти йўқ. Сабаби ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ички давлат қонунида ноқонуний ҳисобланмайди. Бундан ташқари, давлатнинг ички қонунчилигида жавобгарликнинг тури сифатида маънавий зарарни қоплаш назарда тутилмаган бўлса, жабрланувчи томонидан маънавий зарарни қоплашни талаб қилишнинг имконияти бўлмайди. Бу ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек, даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиги, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишидан, турар жойидан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларни характери ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий

хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлигининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозим.

Бир неча шахсларнинг баргаликдаги ҳаракатлари туфайли маънавий зарар етказилган ҳолларда жабрланувчи уни етказганларнинг ҳаммасидан шерик тарзда ёки ҳар биридан алоҳида тарзда ҳам ундириш ҳуқуқига эга. Фуқаролик кодексига мувофиқ маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Шу нарса амалиёт учун жуда муҳимки, у ҳам бўлса маънавий зарар қоплаш мулкӣ зарарни мавжудлиги билан боғлиқ эмас..

Юридик шахслар фақат ўзларининг ишчанлик обрўси (нуфузи)га нисбатан қилинган тажовузлар учун ўз ҳуқуқларини тиклашни сўраб судга мурожаат этишлари мумкин. Бундай ҳолда етказилган зарар маънавий зарар шаклида эмас, балки ишчанлик обрўсига қарши қилинган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, зарар пул шаклида ундирилади. Умуман олганда маънавий зарар жумладан, ишчанлик обрўсига нисбатан қилинган тажовуз туфайли етказилган зарар пул шаклида ундирилади.

Оқилоналик ва адолатлилик мезонларини талқин этишда инсоннинг ҳуқуқий онги, дунёқараши масалага ахлоқий-этник жиҳатдан ёндашиши муҳим аҳамият касб этади. Оқилоналик деганда, конкрет ҳолатда белгиланадиган товон пули миқдорини ҳуқуқбузарнинг имкониятларига нақадар мослиги нуқтаи-назаридан талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Адолатлилик эса, товон пули миқдорини белгилашда шахсга етказилган маънавий зарар ҳажмига, оқибатларига мутаносиблигини, жабрланувчига нисбатан қоплаш вазифасини ўтай олиш хусусиятларида намоён бўлади. Юқоридаги мезонларга риоя қилмаслик маънавий зарарни пул билан қоплаш бўйича суд амалиётида жиддий хатоликларга сабаб бўлади.

Маънавий зарар фақат субъектив шахсий ҳуқуқлар бузилганда етказилади. Вафот этган инсоннинг шаъни, қадр-қимматига дахл қилинганда маънавий зарар етказиладими? Албатта, йўқ. Аммо субъектив ҳуқуқ соҳиби бўлмаса ҳам субъектив ҳуқуқларга асос бўлган

юридик фактлар мавжуд бўлади. Шу сабабли бундай ҳолларда манфаатдор шахслар ўзларига, қолаверса жамият аъзоларига етказилган зарарни ундириш масаласини қўйишга ҳақли бўлишлари лозим.

Маънавий зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий институти билан жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқий институти ўртасидаги алоқаларни тадқиқот қилиш шуни кўрсатмоқдаки, бу борада жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқий институти бирмунча орқада қолган, бошқача айтганда такомиллашмаган. Шу сабабли бу борада амалдаги қонунчиликка жиноят иши кўрилиши процессида маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий даъво киритиш имконияти назарда тутилмоғи лозим.

Умумий қоидага мувофиқ, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Фуқаролик кодексининг 1021-модданинг 2-қисмига биноан маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъий назар қўйидаги ҳолларда қопланади, агар:

- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса:

- зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

- зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;

- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Маънавий зарар фақат шахсий номулкий ҳуқуқларга дахл қилинганда ундириладими?

Қатор мамалакатларда, жумладан Россия Федерацияси, шунингдек Қозоғистон каби давлатлар фуқаролик қонун ҳужжатларида маънавий зарар тушунчаси берилганлиги билан бир қаторда, маънавий зарар фақат шахсий номулкий ҳуқуқларга дахл қилинганда ундирилиши, шу билан бир қаторда қонунда назарда тутилган

ҳоллардагина мулкӣ ҳуқуқларга дахл қилинганлиги учун ундирилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Аммо бизнинг қонун ҳужжатларимизда бундай қатъий ёндашув бўлмаганлиги боис мулкӣ ҳуқуқларга дахл қилинганда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаблар суд амалиётида кўплаб учрайди. Назаримизда бу масалада маълум конкрет ёндашув талаб қилинади, акс ҳолда ҳар қандай мулкӣ ҳуқуқлар бузилган ҳолларда маънавий зарарни ундириш талабини қўйилиши мантиқсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, маънавий зарар фақатгина шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ёки бошқа номоддий неъматларга дахл қилинганда етказилмасдан, балки айрим ҳолларда мутлоқ ҳуқуқлар бузилганда, масалан, товар белгиси ғайриқонуний ўзлаштирилган ҳолларда ҳам етказилиши мумкин.

Маънавий зарар фақат субъектив шахсий ҳуқуқлар бузилганда етказилади. Вафот этган инсоннинг шаъни, қадр-қимматида дахл қилинганда маънавий зарар етказиладими? Албатта, йўқ. Аммо субъектив ҳуқуқ соҳиби бўлмаса ҳам субъектив ҳуқуқларга асос бўлган юридик фактлар мавжуд бўлади. Шу сабабли бундай ҳолларда манфаатдор шахслар ўзларига, қолаверса жамият аъзоларига етказилган зарарни ундириш масаласини қўйишга ҳақли бўлишлари лозим.

Маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ва халқаро шартномаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, бу ҳуқуқий институт фуқароларнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситасидир. Шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар деганда - моддий характерда бўлмаган, шахсдан ажралмас неъматлар тушунилади. Бу ҳуқуқ ва неъматлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Фуқаролик кодексининг 99-моддасида белгиланган: фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа

шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар. Бу ҳуқуқ ва неъматларнинг умумий белгилари-мулкий характерга эга бўлмайди, улар инсонга туғилиши билан (мас. соғлиғи) ёки қонун асосида (мас. авторлик ҳуқуқи) тегишли бўлади, тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Юқорида келтирилган номоддий неъматлар қатъий эмас, фуқаро ўзининг бошқа номоддий неъматларига етказилган маънавий зиённи қоплашни талаб қилиши мумкин. Агар фуқаронинг бошқа ҳуқуқлари бузилиши натижасида маънавий зиён етказиладиган бўлса умумий тартибда айбдордан қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатида маънавий зиённи қоплашни назарда тутилмаганлиги жабрланувчини суддан маънавий зиённи қоплашни талаб қилишидан маҳрум этмайди. Маънавий зиён уни етказувчининг айби бўлган тақдирда ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда қопланади.

Учинчидан, маънавий зиён фақат пул кўринишида қопланади ва уни қоплашга:

- фуқаро бошидан кечирган руҳий ва/ёки жисмоний азоблар;
- зарар етказувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш;
- зарар етказувчининг айбининг мавжудлиги;
- маънавий зиённи қоплаш ҳуқуқини берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга кирганлиги асос бўлади.

Тўртинчидан, маънавий зиённи қоплашда ҳамма вақт ҳам айбнинг мавжудлиги шарт эмас.

Бешинчидан, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган маънавий зиённи қоплашда ҳуқуқбузарлик субъекти ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу ўз хизмат мажбуриятларини бажараётган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари (бошқа ҳолларда улар умумий тартибда фуқаролик жавобгарлигига тортилиши мумкин) билан ифодаланади. Бунда икки ҳолатда маънавий зиён қопланади.

Бирида айбнинг бўлиши шарт бўлса (мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида), иккинчисида эса айбнинг бўлиши шарт эмас (давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида).

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томонига асосан маънавий зиён қонунга хилоф ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш натижасида юзага келади. Бунда фуқаролик ҳуқуқи учун хос бўлган хусусиятлардан фарқли улароқ бир томонлама, мажбурий ижро этиладиган ҳужжатлардир.

Олтинчидан, истеъмолчи сифатида фақат фуқаролар тан олинадилар, истеъмолчига қонунда белгиланган ҳуқуқлари бузилиши натижасида маънавий зиён етказилса, бу низо судлар томонидан кўрилади ва давлат божи ундирилмайди.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари тўғрисида»ги қонунда юридик шахс маънавий зиённи қоплашни талаб қилиши мумкинлиги белгиланган. Маънавий зиённинг тушунчасининг моҳиятидан кўриниб турибдики юридик шахс ўз бошидан маънавий азобларни кечира олмайди. Бу ўз навбатида юридик шахс ишчанлик обрўсини ҳақоротловчи маълумотлар тарқатилганлиги сабабли суддан маънавий зиённи қоплашни талаб қила олмаслигини билдиради.

Шу сабабли Фуқаролик кодекси 1021-моддаси иккинчи қисми учинчи бандига «зиён фуқаронинг ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоротловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса» деган таҳрирда ҳамда Олий суд Пленуми қарорига «маънавий зиён фақат фуқароларга етказилиши мумкин» деган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Саккизинчидан, жиноят-процессуал кодексига (57, 277, 290, 301-моддалари) жабрланувчига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш мумкин бўлгани каби, маънавий зиённи ҳам қоплаш мумкинлиги, «маънавий зиён» атамаси ва тушунчаси тўғрисида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 187-моддаси маънавий зиённи қоплаш усулини Фуқаролик Кодекси нормаси билан мослаштириш лозим бўлади.

Ўнинчидан, маънавий зарар тушунчасини қонун ҳужжатларида

Белгилаш, уни қоплаш усули борасида қарама қаршиликларни бартараф қилиш, маънавий зарар мулкӣ ҳуқуқларга дахл қилинганда фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагини қаноатлантирилиши лозимлиги тўғрисидаги қонун белгилаш, қонун ҳужжатларида маънавий зиённи ундиришга оид нормаларда бир хил терминлар қўлланилишига эришиш, корпоратив низолар натижасида етказилган маънавий зиённи қоплаш механизмини янада такомиллаштириш, маънавий зарарни ундиришнинг фуқаролик ишлари бўйича судлар билан бир қаторда жиноят ва иқтисодий судлар судловига беришлик масалаларини қонуний ҳал қилиш кабилар бу тоифадаги ишларни судларда кўриш самарадорлигини оширган ва асослантирилган, қонуний қарорлар чиқарилишига олиб келган бўлур эди.